



«Византияга карши жанг килаётган салжукийларга тўрт юз отлик аскарини олиб, ёрдамга келиши билан, Усманийлар империясининг пойдеворини биринчи тошини кўйгандай бўлган».

Тарихчи Сами ибн Абдуллох Маглус «Усманийлар давлатининг тарихи атласи» Тарихда Ислом уммати кўплаб мусибатларга дучор бўлган. Мусулмонлар бир канча кийинчилик ва камситишларни бошидан ўтказган. Душманлари уларнинг атрофида, ўлакساني титиб егувчи йирткич бўридай тўпланишган. Бу ҳолатга гувоҳ бўлганлар: «Бу уммат батамом йўк бўлиб кетади», - деб ўйлашган. Айнан ўша палланинг ўзидан бошлаб, уммат қайтадан оёкка туради. Аввалгидек кучга эга бўлиш учун эмас, балки ундан ҳам қудратлироқ бўлиш учун олга интилади. Тарихий манбаларни ўрганиш мобайнида, умматни ҳар он хайратомуз йўл ила оёкка турганига гувоҳ бўлдим. Баъзида умматни йўк қилишни истаган душманларининг ўзи, уни қайтадан жонланишига сабабчи бўлган. Бу билан Аллох таоло уларни (бадкорларни) охиратдан аввал, шу дунёнинг ўзида хор бўлишини хохлаб, уларнинг мусулмонларга карши қилган хийла-найранглари, ўзларининг кўз ўнгида умматнинг галабасига айланиб кетганини кўрсатади. Исломнинг куёши сўнаётган бир пайтда, у куёш бошка жойдан янгидан чиқа бошлайди. Шунчаки эмас... Балки у мусулмонларга иликлик ва ёркин нур сочади. Осмон марказидан йўк қиламиз деб ўйлаганларни аёвсиз қуйдиради. Усманийларни вужудга келиши, бунга яққол мисол бўла олади. Монголлар Ислом дунёсини дахшатли тарзда қиргин қилаётган бир пайтда, баъзилар Ислом уммати ер юзида бутунлай йўк бўлиб кетади деб ўйлашган. Ўша пайтда туркларнинг кичик бир шохобчаси монголларнинг вахший катагонидан қочиб, Анатолиянинг (Онадўли) тепаликларига бориб қарор топади. Кейинчалик, худди шу қабила Ислом ва мусулмонларни юз йиллар мобайнида химоя қилган буюк Ислом империясига асос солган. Бу империя - буюк Усманийлар империясидир. Мана шу империя Умавийлар ва Аббосийлар енга олмаган Константинополни мағлуб этиб, империяни илдизини қуритади. Усманийлар тарихидаги ахамиятли сана - бу милодий 1258 йил (х.656 й.). Шу йили монголлар томонидан Богдоддаги Аббосийлар халифалиги барҳам топган бўлса, айнан шу йилда Усманийлар империясининг асосчиси Эртўгрул ўгли Усмон тугилади... Субҳаналлох!

Кахрамонимиз Эртўгрулнинг тарихи галабага кандай эришишликни ўргатади. Бу буюк баходирнинг хаёти, огир турмуш шароитидан ортга чекинмай, дадиллик билан муваффакият сари интилувчи инсонларга мисол бўла олади. Бу турк пахлавонининг ҳеч кандай ерга эга бўлмай кочиб юриб, майдонининг кенглиги уч китъани ўз ичига олган, империянинг пойдеворини бошлаб қўйганини билишлик кифоядир. Кочкинликни бошидан ўтказган одам, кочкинда юрган одамни ҳар бир сонияда бўладиган огир синовларни яхши тушунади. Шунга карамай. Эртўгрул ҳар кандай огир кунларга дуч келмасин, кийин палладаги мушкулаларни ўзининг ўжарлиги ва олдига қўйган эзгу максади ила енгиб ўтган.

Эртўгрул ва жамийки усмоний туркларининг келиб чиқиши ўгуз элининг Кай уругига бориб такалади. Турклар кўпчилик араб-Ислом манбаларида ёзилганидак, Ёфас ибн Нухдан таркалишган. Уларнинг асл ватани - Ўрта Осиёдаги Туркистон хисобланади. Унинг майдони - шарқда Монголия ва Хитойнинг шимолидан тортиб, гарбда Каспий денгизигача, шимолда Сибирдан тортиб, Хиндистонгача бўлган. 13 асрнинг (х.7 аср) бошида монголларнинг босқинчилик таҳдидидан сўнг, Кай кабиласи бошликлари Кундуз Алпнинг етакчилиги остида Анатолияга (Кичик Осиё) бориб ўтроклашиб қолади. Бу ер ҳозирги Туркиянинг кўп қисмини ўз ичига олади. Кундуз Алп ўлими олдидан тахтни ўгли Сулаймон Шохга топширади. У кейин Фурот дарёсида чўкиб ўлади. Унинг ўлиmidан сўнг, усмонийлар ўлкасига асос солган Усмоннинг катта отаси Сулаймон Шохга гумбаз турғизишади. У ҳозир Суриянинг Алеппо шаҳрида қолган. 20 асрнинг бошида Сурияни босиб олган Франция ва Туркия битим тузганда, гумбаз турган ер туркларга қараб, уни Туркиянинг аскарлари қайтариб олишган. Кейинчалик Туркияни Сурия билан чегарадош ерига қўчириб олиб келинган.

Сулаймон Шохнинг ўлиmidан сўнг, тахтга унинг ўртанчи ўгли Эртўгрул (кочкинликни огир кунларида тугилган бола) келади. У қолган қабиладошларини бирлаштириб, шимоли-гарбий тарафга келиб, Эрзинжон водийсига жойлашади. Эртўгрул у ерда салжук мусулмонлари билан византияликлар ўртасидаги жангга гувоҳ бўлади. Шунда у 400 отлик аскар билан салжукийларга ёрдамга келиб, византияликларни енгиб олишади. Бу ёрдами учун салжукийлар султони Алоуддин Кайқубод I Эртўгрулга Анатолиянинг шимоли-гарбий тарафидаги Византия империясига чегарадош ўлкани тортик қилади. Шу билан бирга, унга салжукийлар султони «Уч бек (бей)» (чегарачи) унвонини беради. Ана-толияга жойлашгандан сўнг, бу турк баходирининг қалбида еб-ичиш, вақтичоглик қилиш ёки халқни шунчаки сўзи билан бошқариш эмас, балки буюк бир мақсадни амалга оширишни кўзлаб юрарди. Эртўгрулда ўзгартириш умиди бор эди. Унинг мақсади ўзини, халқини, умматни ва бутун инсониятни ахволини ўзгартириш эди. У салжукийлар султонидан Рим империясига қарши урушмоқчи бўлиб рухсат сўраганида, у гарбга томон қўлдан қилишча эгаллаб кетишга рухсат берган. Шундай қилиб Эртўгрул византияликларнинг ерларидан оз-оздан эгаллаб, ўз ерини қенгайтиради. Қабиласидаги жамоат ишларини тартибга солиб, қўл остидагилар ўртасида адолат ўрнатади. Уни римликларни енгани ҳақида хабар тарқаганда, унга туркларнинг бошқа қабилалари ва отлик аскарлар қўшилади. Унинг буюк мақсади минг йилдан ортиқ даврда ҳукм суриб, насронийлар, мусулмонлар ва яҳудийларнинг қонини дарёдай оқизган, қолим Византия империясини йўқ қилиш эди. Эртўгрул бу мақсадига эришиш учун, шахдам қадам ташлайди. Балки тирик чоғида имкониятдан фойдаланиб қолай дегандир. Бироқ Эртўгрул ўша пайтда галабаларни амалга оширишдан ҳам зарур бўлган, қелажакда умид қилинган қиройли галабаларга ҳам тайёриланишни маъқул қўради. Шунинг учун ўгли

Усмонни отасининг йўлини давом эттириши учун, унинг калбига эзгулик, халоллик уруглари экиб, фидокорлик, садокат рухида тарбиялайди. Буюк мусулмон баходири - Сулаймон Шох ўгли Эртўгрулни Аллох ўз раҳматига олсин.

Эртўгрул Гозий оламдан ўтгандан сўнг нималар рўй берди?

Унинг ўгли Усмон олти асрдан кўпроқ ҳукм сурган империяга асос солишга қандай эришган?

Бу ҳақда кейинроқ...

Ат-Турбонининг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси